# Шахсий график маълумотларини бошқариш

Талабаларнинг шахсий графигини шакллантириш тизимнинг **O‘zlashtirish / Shaxsiy grafik** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).




1-расм. Шахсий графиклар рўйхати

**Qo‘shish** тугмасини танлаш орқали талабанинг шахсий графигини қўшинг (2-расм).




2-расм. Шахсий график қўшиш.

Талабанинг шахсий графигини шакллантириш учун **Qo‘shish** тугмасини танланг (3-расм).




3-расм. Талабанинг шахсий графиги

Талабанинг шахсий графиги яратиш учун қўйидаги маълумотларни шаклантиринг:

- **Grafik raqami** майдонига график рақамини киритинг;
- **Sana** майдонидан санани танланг;
- **Buyruq** майдонидан шахсий график бериш тўғрисидаги буйруқни танланг;
- **Semestr** майдонидан семестрни танланг.

Маълумотлар шакллантирилгандан сўнг тизим ойнасининг шахсий график фанлари қисмида талабанинг фанлари ва баҳолари рўйхати пайдо бўлади. Талаба ўзлаштирмаган фанни танланг (4-расм).




4-расм. Талабанинг шахсий графиги маълумоти

Талабанинг ўзлаштирилмаган фани танлангандан сўнг **Saqlash** тугмасини танлаш орқали фаннинг балларини киритиш ойнаси очинг (5-расм).




5-расм. Талаба фанининг балини киритиш

Талаба фандан топшириқларни топшириб бални олгандан сўнг фаннинг балл устунига бални киритинг ва **Saqlash** тугмасини танлаш орқали маълумотни сақланг (6-расм).




6-расм. Талабанинг балини киритиш

Талабанинг шахсий графигини **Yuklab olish** тугмасини босиш орқали **Pdf** вариантда кўчириб олинг.

Агар талаба бир нечта фандан қолган бўлса, талабага шайхсий гарфик яратилган ва талаба битта фанни ўзлаштирди ва балл киритилди. Навбатдаги фанларни ўзлатирганда бални киритиш учун 1-расмда келтирилган ойнадан **қўшиш** тугмасини босиш орқали талабанинг навбатдаги фандан ўзлаштирган балини киритиш мумкин. Бир семестр учун битта шахсий гарфик яратилади ва баллар киритилади.